

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 30 (11.341)

Баҳоси эркин нарҳда

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилишида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги ҳисобот кўриб чиқилди. Фракция аъзолари мазкур ҳисоботни батафсил муҳокама этиб, уни куйи палата ялпи мажлисида маъқуллаб овоз беришга келишиб олдилар.

● Жорий йилнинг 1 февралидан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Россия федерацияси ҳудуди бўйлаб электрон пул ўтказмаларини йўлга қўйди. Бундай электрон айланмалар Бутунжаҳон почта уюшмасининг Халқаро молия тизими орқали амалга оширилади. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пулни миллий валютада юбориш ва қабул қилиб олиш мумкин.

● Бухорода «Салоҳият барака» масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Мазкур корхона бўз ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий тўқув машиналари билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда Бухоро шаҳридаги «Умидтекс» МЧЖда тайёрланган калава ип қайта ишланади. 30 киши фаолият кўрсатаётган янги корхонада ҳар ойда 120-125 минг погон метр мато тайёрланади. Корхона тўла лойиҳа қуввати бўйича ишлай бошлагач, яна 60 та янги иш ўринлари ташкил этилади.

● Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йилида Андижон вилоятида 7 минг 65 нафар ўқувчи мўлжалланган 13 та янги касб-хунар коллежи ва мактаблар қуриш кўзда тутилган.

● Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги «Яндама» маҳалласида 585 ўринли спорт ва педагогика йўналишига ихтисослашган янги коллеж қурилиши бошланди. Талабалар учун алоҳида яшаш жойига ҳам эга бўладиган мазкур иншоотнинг умумий смета қиймати 2 миллиард 234 минг сўмлик бўлиб, қурилишда «Наманганжамоатсаноат-қурилиш» ассоциацияси бунёдкорлари фаолият кўрсатмоқда.

● Бағдод туманида фаолият юритаётган бир гуруҳ тадбиркорлар тумандаги ақли заиф болалар Меҳрибонлик уйига ташриф буюришди. Улар бу ерда тарбияланаётган кўнгли ярим болаларга 3 миллион сўмлик иссик кийим-бош, ўйинчоқлар, маиший буюмлар ҳада қилишди.

● Самарқанд давлат тарих ва маданият музейида «Полония» поляк маданий марказининг 10 йиллигига бағишланган бадий кўргазма очилди.

### ЖАҲОНДА

● Ирландия ҳукумати мамлакат иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш мақсадида 7 миллиард доллар ҳажмида маблағ ажратишга қарор қилди.

● 2009 йилда Эстония реклама бозори 2008 йилга қисқаларда 20 фоизга қисқаради. Иқтисодий таназзул натижасида мамлакатдаги реклама компаниялари ўз харажатлари ва ходимлари сонини қисқартиришга мажбур бўлмоқдалар. Инқироз шароитларида бизнесни турғун сақлашнинг ўзига хос йўлларида бири эса Скандинавия ва Финляндияда мижозларни излашди.

● Кеча Афғонистон пойтахти Кобул шаҳридаги мамлакат молия ва адлия вазирликларига жангарилар томонидан уюштирилган ҳужум оқибатида 28 киши ҳаётдан кўз юмди, 60 га яқин одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Толибон гуруҳи ушбу хунрезликни амалга оширганликни ўз бўйича олди. Мамлакат махсус хизмати раҳбарларидан бири Абдулла Салоҳнинг айтишича, махсус хизматда жангарилар хуружи тўғрисида маълумот бўлса-да, унинг амалга оширилиши вақти аниқ эмасди.

● АКШнинг марказий қисмида юз берган кучли бўрон оқибатида камида 15 киши ҳалок бўлди, ўнлаб кишилар бедарак йўқолган, кўплаб бинолар вайрон бўлган.

● Кеча Сомали қирғоқларида денгиз қароқчилигида гумон билан етти киши ҳибсга олинди.

● Кеча Россиянинг Самара областидаги гараж қурилиш ширкати ҳудудида газ портлаши оқибатида уч киши ҳаётдан кўз юмди, тўрт киши оғир куйиш жароҳатларини олди. Тахминларга кўра ширкат ҳудудида табиий газ билан тўлдирилган баллон портлаган.

● Бугун футбол бўйича Россия терма жамоасининг бош мураббийси Гус Хиддинк Англиянинг «Челси» клуби билан уч ойлик шартнома тузиш юзасидан музокаралар олиб боради. Хиддинкнинг таъкидлашича, «Челси»даги фаолият унинг Россия терма жамоасини бошқаришга ҳеч қандай халал бермайди.

● Шри-Ланкада террорчилик ҳаракати содир этилди. Портловчи қурилманинг харақатга келтирилиши натижасида 28 киши ҳалок бўлган, 90 нафар одам тан жароҳати олган. Қурбон бўлган ва яраланганларнинг аксариятини мамлакат қуроли кучлари ҳарбийлари ташкил этиди.

● Франция ҳукумати мамлакатнинг «Ситроен», «Рено» ва «Пежо» автокорхоналарида иқтисодий инқироз шароитларида моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида уч миллиард доллардан маблағ ажратишга қарор қилди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

## Қисқа сатрларда

● СОБИР Рахимов туманидаги «Шифокорлар» маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида «Шаҳрим — фаҳрим» мавзуда ўтказилган тадбир Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди.

● КЕЧА Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежида ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Касб маҳорати» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи уюштирилди.

● КЕЧА Марказий офицерлар уйда республика Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан мuddатли ҳарбий хизматга қабул қилинган бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

● КЕЧА Фўқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Тошкент шаҳар филиали Ахборот-таҳлил марказида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамкорлигида уюштирилган давра суҳбати фўқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни масаласига бағишланди.

● АБУ Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетидан талабалар, ўқитувчилар, адабиёт-шунс олимлар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Шарқ осмонида порлаган юлдуз» деб номланди.

● КЕЧА шаҳримизда Бухгалтерлар ва аудиторлар уюшмаси, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорликларида бухгалтерия хисобини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган тадбирда фермерлар, аудиторлар, бухгалтерлар иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



Маркетинг ишларини яхши йўлга қўйган ҳолда маҳсулотнинг харидориги турларини яратиб, ички ҳамда ташқи бозорда ўрин топаётган корхоналар орасида шаҳримиздаги «SUVMASH» акциядорлик жамиятининг муносиб ўрни бор. Корхонада бугунги кунда бозор иқтисодиёти талабларига кўра барча имкониятлардан фойдаланиб иш юритилаётгани боис ҳам иш суръати ва маҳсулот сифати ортиб бормоқда.

## Саноат СИФАТГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

бўлган АЗОГС (03/7) ҳамда СМН 200/5 типидagi насос агрегатлари фермер хўжалиқлари учун мўлжалланган бўлиб, қуввати 150 гектар ерни сугоришни таъминлайди. Барча агрегатларнинг кафолат мuddатлари ҳам мавжуд.

Насос агрегатлари ҳамда бошқа маҳсулотларнинг асосий буюртмачилари сирасида республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қиради. Шунингдек, мамлакатимиздаги турли ташкилот ва муассасалар, компания, фирма, деҳқон ҳамда фермер хўжалиқларидан тушган буюртмалар ҳам ўз вақтида сифатли этиб бажарилади. Яна шунини айтиш керакки, жамоада тўлланган муҳандис ва конструкторлар ҳамisha давр билан ҳамнафас изланганлари боис ҳам янги турдаги насос ва электр насос агрегатлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Энг асосийси эса бундай маҳсулотлар импорт ўрнини босиши баробарида ҳам ички, ҳам ташқи бозорда харидорларга эга бўлаётгани ва буюртмаларнинг кўпайиб бораётганидир.

Корхонада ISO 9001-2000 халқаро стандарт сифатида мос келувчи менежмент тизими фаолияти йўлга қўйилган. Шу боис ҳам ички, ҳам ташқи бозорда харидор талаби доимий равишда ўрганилиб, таҳлил этила-

ди, уларга янги маҳсулот турлари хусусида маълумотлар бериб борилади. Бу ҳам харидорлар сафи кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

Утган йил якунлари хусусида тўхталиб, рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2008 йилда тадбиркор жамоа аҳли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 9 миллиард 144 миллион сўмликка етказишди. 2007 йилга нисбатан ўши суръати 135 фоизни ташкил этиб, бир миллиард сўмлик соф фойда олишга муваффақ бўлинди.

Келгусида мавжуд имкониятларни ишга солган ҳолда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар турларини янада кўпайтириш, халқ хўжалиги ривожига ўзлари тайёрлаган агрегат ҳамда дастгоҳлари билан муносиб хисса қўиши, сифат ва самарадорлигини оширишни кўзда тутаятган «SUVMASH» чилар изланишларни изчил давом эттиришмоқда. Уларнинг самараси эса, албатта, корхона истикболини ҳам белгилаб беради.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини оширишда ва буюртмаларини вақтида уddалашда, цехларда меҳнат унумини таъминлашда корхона ишчиларининг муносиб хиссаси бор.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар

Айтиб ўтиш жоизки, корхонада кўплаб малакали кадрлар меҳнат қилишмоқдаки, бу яратилаётган янги маҳсулот турларида, сифати ҳамда рақобатбардошлигида яққол кўринмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хусусида тўхтайдиган бўлсак, улар халқ хўжалиги учун зарур товарлар хисобланиб, шу боис ҳам талаб тобора ортиб бормоқда.

— Ҳозирда корхонамиз цехларида замонавий технологик линиялар қувватини ишга солган ҳолда 40 турдан зиёд насос агрегатлари ишлаб чиқаришга эришилмоқда. — дейди техник-конструкторлик бўлими бошлиғи Виктор Холметов. — Айниқса, ушбу техник воситаларнинг импорт ўрнини босишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, албатта четдан келтириладиган ҳудди шундай товарларни республикамизга хоржий давлатлардан олиб келишни камайтиради, валюта захирасини тежаш имкониятини беради.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, авваллари бундай насос агрегатлари Ҳамдустлик давлатлари ва Болгариядан келтирилари. Охириги йилларда эса корхонада тайёрланаётган ЭЦВ, К, Д, А50ГО, А40ГЦ, АЗОГЦ, Гру типидagi агрегатлар ана шуларнинг ўрнини босади. Шунингдек, корхона мохир мутахассисларнинг изланишлари самараси

нафақат мамлакатда, балки хоризда ҳам улкан талаб мавжуд бўлган суолтирилган газ, турли русумлардаги полиэтилен ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА ШАҲДАМ ОДИМЛАМОҚДА

ХХР Фанлар академиясининг «Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё бозори» журналида «Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш йўлида шаҳдам одимламоқда» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Мустақиллик йилларида қурилган ва қайта таъмирланган мазкур корхоналар хисобига айна пайтда Ўзбекистонда нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан уч баробарга орди. «Бугун Ўзбекистон йилдан-йилга ўсиб бораётган ички талабни қондирибгина қолмай, экспорт ҳажми ҳам оширишга муваффақ бўлмоқда», дейилади мақолада.

Нашрда, шунингдек, Асака ва Самарқанд шаҳарларидаги автомобиль заводлари қурилиши

мамлакатда мустақиллик йилларида аҳолини автомобиль билан таъминланганлик даражаси олти баробарга ортгани қайд этилади. Шу билан бирга, галла мустақиллигини таъмин-

эришиш мамлакат аҳолисини ун ва нон билан тўла таъминлабгина қолмай, аҳолига сут, гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб бериш масаласини ҳал этишга хизмат қилди.

— Мухими шуки, — дейилади мақолада, — иқтисодиётдаги чуқур тизимвий ислохотлар саноат тармоқларининг жадал суръатдаги ўсиши, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ва тайёр, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожини таъминлаш асосида амалга оширилмоқда. Нашрда, шунингдек, Ўзбекистонда тез суръатдаги модернизация ҳамда юқори технологиялар асосида ишловчи мавжуд корхоналарни

янги корхоналарни ташкил этиш йўлида фаол инвестицион сиёсатни амалга оширишга устувор эътибор қаратилаётгани таъкидланади. Мамлакатда маҳаллий ва хоржий инвесторлар учун қулай ва кўп жиҳатдан беқиёс сармоявий муҳит яратилган. Бунинг натижасида, Ўзбекистонга мустақиллик йилларида ҳажми 100 миллиард доллардан ошувчи инвестициялар жалб этилди. Истиклол даврида қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди, — дея қайд этилади мақолада. — Ўзбе-

кистонда хусусий фермер хўжалиқлари ташкил этилиб, улар қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасининг асосига, унинг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминловчи ўзига хос локомотивга айланди. Бозор инфратузилмаси деярли қайтадан ташкил этилиб, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш сифат жиҳатдан янги-янги таъминловчи асосида барпо этилди.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг нодавлат секторидида ялпи ички маҳсулотнинг 76 фоиздан зиёди шакллантирилади, саноат маҳсулотларининг қарийб 80 фоизи ишлаб чиқарилади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва чакана савдо айланмаси тўлалигича ана шу нодавлат сектор хиссасига тўри келади. Корхоналарнинг 90 фоиздан зиёди хусусий ва корпоратив мулк кўринишида бўлиб, уларда иш билан банд аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ВАТАНПАРВАР

**БУГУНГИ КУНДА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ САФИДА КАТТА ЎҚЧИ СИФАТИДА ВАТАН ОЛДИДАГИ ЙИГИТЛИК БУРЧНИ ҲАҚИДАГА ОДИЙ АСКАР САРДОР ДАВЛАТОВ ТЎҒРИСИДА САҒДОШЛАРИ ВА КОМАНДИРЛАРИ ИЛИҚ ФИКРЛАРИНИ БИЛДИРИЛДИ. ЧУНКИ У, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАЪБИРИ БИЛАН АЙТГАНДА, «ЎЗ ҲАЁТИНИ АРМИЯСИЗ ТАСАВВУР ЭТА ОЛМАЙДИГАН, МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ШУНЧАКИ ИШ ЭМАС, ВАТАН ВА ХАЛҚ ОЛДИДАГИ МУҚАДДАС БУРЧ ДЕБ БИЛАДИГАН» ПОСБОНЛАРДАН.**

## АРМИЯДА ТОБЛАНАР АЛП ЙИГИТЛАР

Сардор мактабда ўқиб юрган даврида ҳам илгорлар сафида бўлган. У тарих, адабиёт, математика фанларига ўзгача иштиёқ билан ёндашар, айниқса ўқитувчиси — захирадаги офицер Соҳиб Абдуллаев ўтадиган «Ешларни қақирқача тайёрлаш» фанини қизиқиб ўзлаштирар эди.

Ўқиш билан бир каторда болалигидан спорт билан мунтазам шуғулланган бу йигит турли мусобақаларда бир неча бор шохсупанинг энг юқорисига кўтарилганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, қаратэ бўйича туман миқёсда ўтказилган мусобақада биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, спортнинг миллий кураш ва кикбоксинг турларидан тўртинчи ўринни эгаллаган бўлган. Яна кўплаб мусобақаларда совринчи ва рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлган қаҳрамонимизнинг мураббийлари — спорт усталари Комил Алмуродов, Бобур Алимов, Жўрабек Чориевлар ўргатган сабоқларни кўн ва маҳорат билан ўзлаштирилганидан дарак беради. Ана шу ўргатилган келгусида унга ниҳоятда асқотилиши ўша пайтда билмаган бўлса керак, албатта.

Сулоласида ҳарбийларга бўлган ўзгача

ҳурмат, бу соҳага қизиқиш Сардорга ҳам таъсир ўтказмай қолмади. Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — ақиси Санжар Давлатов, амакиси Шуҳрат Давлатов, шартнома бўйича хизмат сержанти тоғаси Илхом Чориевларнинг эғнидаги либоси, гап-сўзларидаги қатъият, қолаверса ҳарбий касбда эришайтган муваффақиятлари унинг ҳам кўксини қиздирган, ўзига оҳанрабодек торган бўлса, не ажаб?! Шунданми, мактабни битиргач, олий ўқув юртига киришмаган қаҳрамонимиз ҳеч иккиланмай ўтирмай, мудатли ҳарбий хизматга йўл олди. Спорт машғулотларида обдон чиникқан йигит «ҳаёт мактабиди» унча қийналмади. Ақсинча, кўп жабҳада сағдошларига ўрнак, ибрат бўлди. Ҳарбий хизмат унинг тафаккурини бойитди.

— Армияда кўп нарсани ўргандим, — дейди Сардор Давлатов. — Анча чиникдим, тоби-

ландим. Энг муҳими, ҳар бир йигит билиши керак бўлган ижтимоий-сиёсий, жанговар тайёргарлик бўйича кўникмаларга эга бўлдим. Бу келгусида фаолиятимда ҳам менга асқотишига ишонаман.

Армияда мудатли ҳарбий хизматчилар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилган кун қаҳрамонимиз учун катта байрам бўлар эди. У, айниқса, енгил атлетика баҳсларида доимо совриндорлар қаторидан ҳоли бўлиб келади.

— Одий аскар Давлатов ҳар томонлама чиникқан посбонларимиздан, — дейди офицер Дилмурод Ғоипов. — Унинг интизоми, ҳарб илми бўйича билимига ҳавас қилса арзийди. Аҳамиятлиси, у ҳеч қачон эришган ютуқлари билан қиёовлашиб қолмади, янги-янги марраларга интилади. Шу боис ҳам мудом изланишда ва командирлар эътиборида.

Куни кеча олий ўқув юртига киришда юксак имтиёз берувчи тавсияномага эга бўлиш мақсадида тест синовларини топшириб қайтган посбоннинг кайфи чоғ. Сабаби бир тарафдан тест синовларини тўғриликда топширган бўлса, бошқа тарафдан ҳарбий хизмат давомидида юксак интизоми, эришган ютуқлари инобатга олиниб, Қуроли Кучлар Бирлашган штаби бошлигининг буйруғига биноан қаҳрамонимизга қисқа муддатли таътил берилмаган бўлди. Бу, айтиш жоизки, Ватан тинчлиги, осойишталигини ҳар нарсадан устун қўйиб, унга сидқидилдан хизмат қилиб келаятган мард, интилувчан посбонимизнинг масъулиятли мекнатига бўлган эътибордан, Қуроли Кучларимизда олиб борилаётган илчил ислохотларнинг амалда ўз ифодасини топаётганидан.

Келажақда Тошкент темир йўллари институтига ўқишга кириб, транспорт соҳаси бўйича мамлакатимиз учун керакли мутахассис бўлишга аҳд қилган қаҳрамонимизнинг орзулари бисёр. Аминмики, бу орзуларининг рўёвидида ҳаёт мактабиди олган сабоқлар катта ёрдам беради.

Жамшид НИЁЗОВ



## ОҚ ЙЎЛ, ОНА-ВАТАН ПОСБОНЛАРИ

**МАРД ЙИГИТЛАР ОНА-ВАТАНИ ТИНЧЛИГИ, ХАВФСИЗЛИГИ, САРҲАДЛАР ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ ПОСБОНИ ВА ҚАЛҚОНИДИР.**

Айни кунларда бугун республикада Юртбошимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 6 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги қақирувчи ҳамда мудатли ҳарбий хизматнинг белгиланган мудатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига асосан тест синовлари ва танловлардан муваффақиятли ўтиб посбон бўлишга лойиқ деб топилган жисмонан соғлом ва бақувват йигитлар Миллий армиямиз сафарларида тантанали тарзда кузатилади.

Маня шундай тадбирлардан бири кунчи Тошкент темир йўл муҳандислари институтидида бўлиб ўтди. Унда бўлажак аскарларнинг ота-оналари, яқинлари, давлат ва жамоат арбоблари, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари вакиллари, «Камолот» ЕИХ фаоллари иштирок этдилар.

— Азиз ўғлонлар, юртимизнинг, элимизнинг ишонган эр йигитлари, — деди жумладан тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Баҳром Жуманиёзов. — Сиз ўз йигитлик бурчингизни ўташ, мамлакатимиз тинчлиги, элимиз осойишталигини сақлаш учун хизматга отланингиз. Сизга катта ишонч билдирилди, энг сара йигитлар қаторидан ўрин олдингиз. Ишончлики хизматда яхши кўрсаткичларга эришиб, ота-онанинг бағрига соғ-омон, ёруғ кў билан қайтасиз.

Шу ўринда айтаётган ўқиш жоизки, мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган илчил ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Ҳарбий хизматта қақирлаётган қай бир ёш билан суҳбатлаш-

манг, улар учун Миллий армиямиз сафарларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки фахр ва шарафга айланганини беҳитёр илғаб оласиз. Тадбир давомидида фарзандига меҳор-муҳаббат билан боқиб турган ота-оналар, кўзларидида ўт қақнаб турган бўлажак эрләр посбонларининг дил сўзларини қозғога туширишга ҳаракат қилди.

— Уғлим Шерзод Тоҳировнинг барча тест синовлари ва танловлардан ўтиб юқори балл тўплагани ва хизматга лойиқ топилганидан бахтиёриман, — дейди ўзини Фариди Усмонова деб таништирган онахон. — Тўртинчи ўғлим ҳам юрт ижтимоисини деган шарафга муяссар бўлди. Уғлимнинг хизматини яхши ўтаб, тавсиянома билан келиб, ўзи орзу қилган олий ўқув юртига ўқишга киришига ишонаман.

— Ёшлигимдан ҳарбий соҳага қизиққанман, — дейди дўстлари даврасида ғурур билан турган Хасанбой Адашев. — Маня орзуимга, — деди жумладан тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Баҳром Жуманиёзов. — Сиз ўз йигитлик бурчингизни ўташ, мамлакатимиз тинчлиги, элимиз осойишталигини сақлаш учун хизматга отланингиз. Сизга катта ишонч билдирилди, энг сара йигитлар қаторидан ўрин олдингиз. Ишончлики хизматда яхши кўрсаткичларга эришиб, ота-онанинг бағрига соғ-омон, ёруғ кў билан қайтасиз.

Шу ўринда айтаётган ўқиш жоизки, мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган илчил ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Ҳарбий хизматта қақирлаётган қай бир ёш билан суҳбатлаш-

манг, улар учун Миллий армиямиз сафарларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки фахр ва шарафга айланганини беҳитёр илғаб оласиз. Тадбир давомидида фарзандига меҳор-муҳаббат билан боқиб турган ота-оналар, кўзларидида ўт қақнаб турган бўлажак эрләр посбонларининг дил сўзларини қозғога туширишга ҳаракат қилди.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Аваз Мардиев ҳам ана шундай иштиёқман ҳамда шижоаткор шижоаткорлардан бириди. У Миллий армиямиз сафарларида 2002 йилдан буён шартнома асосида хизмат қилиб келади. Ҳақиқат мукамиллик сари интилиб, ўз номига муносиб бўлиш учун тинмай олганини келаятган йигитнинг кўзларини мақсадлари ҳам юксак. У ҳарбийликни шараф устувор мақсад деб билди. Ҳаёти мазмунини юрт ҳимоясидаги эзгу ишларда кўриб осойишталигимиз йўлида хизмат қилишга қайрат камарини маҳкам боғларкан, эр йигит учун

Ватан ва халқ хизматини бақаришдан ҳам кўра улғурок иш бўлмаслигини дил-дилдан хис этди. Келажагини, тақдирини ва орзулар рўёбинини айнан ҳарбийликда топилганига астойдил ишонди.

— Мен ҳарбий соҳага ёшлигимдан қизиққанман, — дейди у. — Илчиллик таваллуд топдим. Ёшлигимдан ҳарбий соҳага оид фильмлар томоша қилиш, шу ҳақда асарларни ўқиш энг сеvimли машғулотим эди. Бора-бора бу соҳада фаолият кўрсатиш мен учун қатъий мақсадга айланди. Мактабда бошланғич ҳарбий тайёргарлик, жисмоний тарбия каби фанларни ўргатарканмиз, бевосита мақсадимга мос келгани боис булар мен учун биринчи ўринга кўтарилди. Спорт билан шуғулланиб, ўз устимда ишлаб, ниҳоят мудатли ҳарбий хизматга келдим. Кейин эса шартнома бўйича хизматга қолдим.

Сержантлар тайёрлаш мактабидида ўқиб, чинакам профессионалларга ҳис билимларини эгаллаганим эса айни пайтдаги хизмат фаолиятимда роса қўл келмоқда.

— Дарҳақиқат, сержантлар тайёрлаш мактаблари Қуроли Кучларимиз сафарига юксак малакалик кичик командирлар, яъни профессионал посбонлар тайёрлаб бераётган билим масканларидан саналади. Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар сабаб, бугун деярли ҳар бир ҳарбий округда ана шундай мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Унда қатор мутахассислар бўйича курсантлар сабоқ олишиб, ўз билим ва малакасини оширишляпти. Энг муҳими, улар ўргатилганларини эс аскарларга ҳам ўргатишляпти кўзларимизда эзу мақсадларимиз ривожига хизмат қилаяпти.

— Кейинги пайтларда бундай

ўқув даргоҳларида таълим дастурларига бир қатор ўзгартирилди, қўшимчалар киритилиб, курсантларга чуқурлаштирилган билимлар берилаётганидан хабарингиз бор, албатта. Уларнинг билиминини ҳар томонлама бойитиш учун дастурга бир қатор янги фанлар ҳам киритилган. Жумладан, жанговар санъат сабоқларидан ташқари иқтисодий ва халқ ҳўжалигининг турли тармоқларига оид ҳамда бошқа янги фанлар, шунингдек, чет тиллардан билим олишга қабул қилинган ҳар бир курсантга ўргатилади. Бу каби янгиликларни жорий этишдан мақсад, профессионал посбонни ҳар

дан, деб айтсақ хато бўлмас. Чунки ақасидида чинакам мардлик сифатлари ҳамда ҳарбийликка хос фазаилатлар уқаси Анаварга ўтиб, унда ҳам шартнома бўйича ҳарбий хизматга кириш боғани ўйғонди. Бугун ака изидан истаган Анавар чегара қўшимларида ўз бурчинини ўтамоқда. Ака-уқанинг эришайтган муваффақиятлари уларга қўмондонлик томонидан кўп бор минатдорчилик эълон қилинган, Фахрий ёрликларга сазовор бўлишгани ҳамда кўрик-танловларда иштирок этиб, маҳоратлари ошиб бораётгани кабиларда яққол кўринади.

Бу борада шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Аваз Мардиевнинг интилишлари ва натижалари салмоқлидир. Ватан ва халқ томонидан билдирилган ишонч хиссини оқлаш учун астойдил тер тўкаётган ўғлон нафақат ўзи хизмат қилаётган бўлини ва қисм, балки Қуроли Куч-

лар миқёсидида ҳам маҳорат ва матонат бобида етуқ салҳият соҳиб эканини амалда кўрсатиб, ўтган йили «Энг илгор сержант» номинациясида мусобақа ақунда фахрли иккинчи ўринни банд этди. Шу боис бугун юртинг етуқ ўғлони бўлган Аваз аз урта танловлар, сағдошлари орасида ҳурмат-эътиборга эга.

Мазлумки, «Энг илгор мутахассис» танлови кўчларин ичра қўчилиш майдон энг сараларни қорлайди. Ҳар бири тоғчи талқон қилишга қодир азамат, билимдон ва зукко йигитлар билан бақслашиш учун уларга муносиб «рақиб» бўлишнинг керак. Бунда билим ва тақриба айниқса, муҳим роль ўйнайди. Чунки иштирокчилар мазкур босқичга қадар ҳам қўллаб синовлардан муваффақиятли ўтган, чиникчи тобланган асл шижоаткорлар-да!

— Иккинчи ўринни банд этганидан мағна эмасман-у бироқ танлов мен учун муҳим синов вази-фасини ўтаганини айтишим керак. Бундан буён ҳақиқат илгор ва тиришқоқ бўлиб, биринчи ўрин учун ҳаракат қилишим мақсад қўлдим, — дейди у.

Албатта, билим ва малакасини бойитган, ғайрат-шижоатли бўлиш ва кўпроқ тақриба орттиришдек ҳаётий тамойилларга амал қилган матонатли ва тиришқоқ ўғлон астойдил заҳмат чека, бир кун албатта, мақсадига етишига шубҳа йўқ, деб ўйлайми.

Ештин ҲАКИМОВ, катта лейтенант

юштирилди қураш бақсларида иштирок этиб, совринларни қўлга киритиб юрган йигитнинг спортга бегона эмаслиги мудатли ҳарбий хизмат мубайнида жуда кўл келади. Қисм миқёсидида ўтказилган кўллаб кураш ва енгил атлетика мусобақаларида ўзини кўрсатди. Шунинг баробарида офицер А.Худойбердиев, кичик сержант А.Сувоновлардан ҳарб илми сирларини пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилди. Буларнинг самараси ўларок биринчи рафта энг билимли, илгор ва сара посбонларга бериладиган тавсияномага эга бўлади. Бу ҳужжат Зарифнинг кўп йиллик орзулари ушалишида муҳим аҳамият касб этди. Ниҳоят, тест синовлардан муваффақиятли ўтиб, талаба деган номга сазовор бўлади.

Бугунги кунда турли тарихий, илмий, адабий ва даврий нашр манбалари ёрдамида магистрлик диссертациясини тайёрлаётган қаҳрамонимизнинг мақсадлари улкан. У устозлари У.Долимов, Б.Каримов, Н.Жабборов, У.Жўрақулов, Ш.Хуррамовлар сингари ўз соҳасининг устаси, малакали мутахассис бўлиб етишиб, ёш авлодга сабоқ бериш ниятида. Қатъият ва изланувчанлигини ўзига одат қилган, ҳарбий хизматда чиникқан йигитнинг орзулари ушалишига аминимиз.

Мансур СОБИРКУЛОВ

ишонч ҳисси қанот бағишлайди

Мазлумки, «Энг илгор мутахассис» танлови кўчларин ичра қўчилиш майдон энг сараларни қорлайди. Ҳар бири тоғчи талқон қилишга қодир азамат, билимдон ва зукко йигитлар билан бақслашиш учун уларга муносиб «рақиб» бўлишнинг керак. Бунда билим ва тақриба айниқса, муҳим роль ўйнайди. Чунки иштирокчилар мазкур босқичга қадар ҳам қўллаб синовлардан муваффақиятли ўтган, чиникчи тобланган асл шижоаткорлар-да!

— Иккинчи ўринни банд этганидан мағна эмасман-у бироқ танлов мен учун муҳим синов вази-фасини ўтаганини айтишим керак. Бундан буён ҳақиқат илгор ва тиришқоқ бўлиб, биринчи ўрин учун ҳаракат қилишим мақсад қўлдим, — дейди у.

Албатта, билим ва малакасини бойитган, ғайрат-шижоатли бўлиш ва кўпроқ тақриба орттиришдек ҳаётий тамойилларга амал қилган матонатли ва тиришқоқ ўғлон астойдил заҳмат чека, бир кун албатта, мақсадига етишига шубҳа йўқ, деб ўйлайми.

Ештин ҲАКИМОВ, катта лейтенант

юштирилди қураш бақсларида иштирок этиб, совринларни қўлга киритиб юрган йигитнинг спортга бегона эмаслиги мудатли ҳарбий хизмат мубайнида жуда кўл келади. Қисм миқёсидида ўтказилган кўллаб кураш ва енгил атлетика мусобақаларида ўзини кўрсатди. Шунинг баробарида офицер А.Худойбердиев, кичик сержант А.Сувоновлардан ҳарб илми сирларини пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилди. Буларнинг самараси ўларок биринчи рафта энг билимли, илгор ва сара посбонларга бериладиган тавсияномага эга бўлади. Бу ҳужжат Зарифнинг кўп йиллик орзулари ушалишида муҳим аҳамият касб этди. Ниҳоят, тест синовлардан муваффақиятли ўтиб, талаба деган номга сазовор бўлади.

Бугунги кунда турли тарихий, илмий, адабий ва даврий нашр манбалари ёрдамида магистрлик диссертациясини тайёрлаётган қаҳрамонимизнинг мақсадлари улкан. У устозлари У.Долимов, Б.Каримов, Н.Жабборов, У.Жўрақулов, Ш.Хуррамовлар сингари ўз соҳасининг устаси, малакали мутахассис бўлиб етишиб, ёш авлодга сабоқ бериш ниятида. Қатъият ва изланувчанлигини ўзига одат қилган, ҳарбий хизматда чиникқан йигитнинг орзулари ушалишига аминимиз.

Мансур СОБИРКУЛОВ

# ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА ШАҲДАМ ОДИМЛАМОҚДА

(Давоми.Боши 1-бетда).

Мақолада бугунги кунда ЯИИМдаги уллуши 45 фозини ташкил қилаётган кичик ва хусусий бизнес мамлакат иқтисодиётида ҳал қилувчи ўринни эгаллабгина қолмай, бозорни зарур маҳсулот ва хизматлар билан тўлдириб, аҳоли фаровонлиги ва даромади ўсишининг асосий манбаига, бандлик муаммосини ҳал этишининг асосий омилга айлангани таъкидланади.

Мамлакат тараққиёти учун ўта муҳим бўлган транспорт коммуникация тизимларини ривожлантиришга улкан эътибор қаратилмоқда, — дейилади мақолада. — Сўнги йилларда барпо этилган узунлиги 633 километр бўлган Навоий-Нукус ҳамда узунлиги 223 километрли Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл магистраллари, мамлакатнинг барча воҳаларини ягона транспорт тармоғига боғлаган, ҳудуддаги бой маъданли хом ашё ва табиий ресурсларни ўзлаштиришга имконият яратган Қамчиқ доғони орқали ўтувчи замонавий автомобиль йўлининг барпо этилиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди.

Таъкидланадики, кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор суръатда ўсаётгани мамлакатда амалга оширилган кенг қўламли ва туб ислохотлар натижасидир. Охириги йилларда ЯИИМ ҳажми йилга 7 фозидан ошаётгани мазкур фикрнинг яққол далили бўла олади.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий тараққиётга фақат экстенсив ўсиш ёки бир қатор мамлакатларда кузатилаётганидек, нефть ва газ каби ҳажр бозоридида юқори баҳоланадиган углеводород хом ашёсининг тинмай қақиб олиниши ҳисобига эмас, балки бозор ислохотларининг тўғри йўналтирилганлиги, иқтисодиётни тубдан қайта янгилаш, янги соҳалар ва корхоналарни ташкил этиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига эришилаётгани алоҳида таъкидланади.

Мақола якунида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор суръатда ўсиши барча соҳа ва тармоқларда чуқур ўйланган иқтисодий ислохотларни амалга оширишга асосланганлиги қайд этилади. Ислохотларни амалга оширишнинг ҳар бир босқичида устувор вазифаларни белгилаб олишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни ҳал этиш учун зарур бўлган молиявий, моддий заҳиралар ва аҳолининг меҳнат қилишга бўлган қобилияти ва салоҳиятини сағарбар этилади. Ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналиши иқтисодиётини янада либераллаштириш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, кўп тармоқли бозор инфратузилмасини шакллантириш, давлатнинг назорат ва бошқарув функцияларини тубдан қисқартириш ҳамда корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятини аралаштириш чеклаш, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартароф этишдан иборат.

«Жаҳон» АА, Пекин

## Қарор ва ижро ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ, ГОЯВИЙ ВА ИНФОРМАЦИОН КУРАШЛАР КУЧАЙИБ БОРАЁТГАН ҲОЗИГИ ВАҚТДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ, ЁШЛАРИМИЗНИ ТУРЛИ МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ БАРЧАМИЗНИНГ ЗИММАМИЗГА АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ ҚОЛҚИДИ.

Президентимиз Ислам Каримовнинг миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини оширишга йўналтирилган қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиб, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, ёш авлод қалби ва онгига она юртва муҳаббат, истиклолга садоқат туйғулларини чуқур сингдиришда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан ташкил этилаётган «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» танлови ҳам навқирон авлодининг ислохотлар жараёнидаги фаоллигини янада ошириш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларга ўз салоҳиятини намоён этишида яқиндан қўмақлашга қаратилган.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгашида маълум қилишларича, бу йил танловга олий ўқув юрти ва меҳнат жамоаларидаги минг нафардан кўпроқ йигит-қиз иштирок этган.

Пойтахтимизда мазкур танловнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда туман босқичларида голиб бўлган ўн икки нафар ёш тарғиботчи ўзаро беллашди. Баҳоллаш жараёнида иштирокчиларнинг ёшлар орасида олиб бораётган маънавий-маърифий тарғибот ишлари, Президентимиз фармонлари, қарорлари ва давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини тарғиб этишга оид ишлари, нотикли маҳорати ва ижодий салоҳияти, иш юритишда замонавий ахборот технологияларини қўллаш самаралари атрофлича таҳлил этилди.

Тошкент Давлат юридик институти аспиранти Бахтиёр Аҳмаджонов пойтахтимизнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси, деб топилди.

Б.ХИДИРОВА, Ўза муҳбири

## ИЛМ ОЛ, ҲУНАР ЎРГАН...

ИЛМИ ЭЛ ИЧРА АЗИЗ, ДЕЙДИ ХАЛҚИМИЗ. ДАРҲАҚИҚАТ, ИЛМИ, ҲУНАРНИ ИНСОН ҲЕЧ ҚАЧОН ХОР БЎЛМАЙДИ, АҚСИНЧА, МУДОМ ИЗЗАТ-ИҚРОМДА БЎЛАДИ. ИЛМ ЭГАЛЛАШ ЭСА ЎЗ-ЎЗИДАН БЎЛМАЙДИ. АЛБАТТА, У ҲАР БИР ҚИШИДАН МУАЙЯН ЛАЁҚАТ ВА ҚОБИЛЯТНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ. МАҚОЛАМИЗ ҚАҲРАМОНИ ЗАРИФ ЧОРШАЕВ ҲАМ ИЛМ СИРЛАРИНИ ЎРГАНИШГА, ХАЛҚИМИЗНИНГ БОЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШГА БЕЛ БОГЛАГАН ЁШ МУТАХАССИСЛАРДАН. БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ МАГИСТРАТУРАСИНИНГ 2-КУРСИДА ТАХСИЛ ОЛАётган ЙИГИТ УСТОЗИ ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ УЛУҒБЕК ДОЛИМОВ РАҲБАРИЛИГИДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРМОҚДА.

— Шогирдимдан жуда мамнунман, — дейди таниқли адабиётшунос олим У.Долимов. — Илмга ташна, қатъиятли, ёшларга ўрнак бўла оладиган талабалардан. Муҳими, адабиётга, миллат тарихини ўрганишга чин кўнгилдан меҳр қўйган. Бусиз машаққатли, шунинг баробарида, шарафли илм йўлида айтарли муваффақиятга эришиб бўлмайди. Устоз таъкидлаб ўтганларидек, илм йўлини танламоқ турли машаққат ва синовларга сабот билан бардош бериш, олинган учрайдиган ҳар турли тўсиқларни енгиб ўтишдан иборат. Ахир янгилик қилишнинг, тарих, адабиётнинг ҳали ҳеч қонга маълум бўлмаган қирраларини очиб-чиқариш, уни элга танитишнинг ўзи бўладими?! Шунинг учун ҳам донорлар илим олинши игна билан қудуқ қазишга ўхшатилади-да.

«Адабиёт — миллат ойнаси», — деган эди миллий ўйғониш (жадид) адабиётининг ва-

қили Абдулла Авлоний. — Зотан, миллат тарққиётида тил ва адабиётнинг ўрни беқийс. Шунингдек, у миллатга таъсир ўтказишнинг, элчи маънавий таназулга тушишдан сақлаш ва уйғоқликка қақирининг муҳим воситаси ҳамдир. Буни яхши англаган ота-боболаримиз ҳамма адабиётга, боболар меросига ҳамнафас яшашга интилиб келганлар.

Бу дийрга бир марта бўлса ҳам боришни, Бобурийлар қурдирган мўъжизавий макбараларни, зиёратгоҳларни кўришни орозу қилмаган сайёҳ бўлмас керак. Бобурийлар томонидан Дехли, Агра, Жайпур шаҳарларида бунёд этилган макбара-ю қалъалар, зиёратгоҳ ва масжидлар Хиндистонни бой маданий, тарихий давлат сифатида ҳақиқат танитди. Бобурийнинг 47 йиллик умрида қилган ишлари, ёзган асарлари, қурган обидалари, яратган боғларини санаб поёнига етиш қийин. У ана шу асарлари, боғлари, обидалари билан беш юз йилдан бери олам аро яшамоқда, балки дунё турғунча яшар.

Тақдир тақозоси билан сеҳрли дийрда бўлиш насиб қилди. Бобурийлар қурдирган макбара, қалъа ва зиёратгоҳларни ўз кўзим билан кўрдим. Кўрган, билганларим натижасида шунга шояхид бўлдимки, Хиндистонда сайёҳлик соҳасининг бу қадар ривож топишида Бобурийлар қурдирган макбараларнинг аҳамияти катта.

Хиндистон ҳукумати томонидан ташкил этилган "ITES" дастури бўйича бу давлатнинг юртимиздаги элчинонаси ёрдамида уч ойга таълим олишга бордим. Бобур Мирзо қадами этган дийрга бориш орозимдаги бахт эди. Тошкентдан самога кўтарилган Боинг самолёти Дехлидаги "Индир Ганди" халқаро аэропортга қўнганда ҳаяжонимни яшира олмадим. Дунёдаги энг катта ва кўркем шаҳарлардан бири. Кўчаларда равон йўллар, кўприклар, замонавий метролар ҳамда кўп қаватли бинолар қурилаётганини учратиш мумкин. Шаҳар уч маъмурий қисмга бўлинди: Дехли муниципал корпорацияси ҳудуди, ҳарбий шаҳарча ва Янги Дехли. Аҳоли зич, ҳамма ёқ кўм-кўк яшиллик бурканган, машина қатнови сероб, йўлларнинг икки чети қатор дарактар билан бурканган. Ингирма миллион аҳоли истиқомат қиладиган Дехлида ҳаёт жўш урмоқда.

Биз пойтахтнинг Чанякапур мавзесидagi СМС университетида таълим олдик. Курсимизда Латин Америкаси, Африка, Осиё, Европа, Марказий Америка китъаларидаги олтишга яқин давлатдан келган талабалар бор. Ўқиб жараёнида талабалар ўз давлатининг тақдирот маросимини қилиши лозим эди. Мен ҳам ҳамроҳи Гулоийм билан бирга Ўзбекистон тақдиротини ўтказишга тайёрларлик кўрдик. Бунда бизга Ўзбекистоннинг Дехлидаги элчинонаси ходими Садриддин Суяров яқиндан ёрдам берди. У бизга миллий либос-

лар, дўппи, атлас, тўн, яқтак ҳамда юртимиз ҳақидаги маълумотлар акс этган журнал тақдим этди. Тақдирот маросимида юртимизнинг бой тарихи, гўзал гўшалари, қадимий Хива, Самарқанд, Бухоро ҳамда замонавийлашган Тошкент шаҳарлари акс этган суратларни компьютер ёрдамида кўрсатдик ва улар ҳақида батафсил маълумотлар бердик. Буюк саркардалар, Ислом оламида ном қозонган мутафаккирлар, уламолар ҳақида атрофича

Хиндистондаги энг қадимий гўшалардан бири бўлган хинд-муслмон мезморчиликнинг эътиборига молик ёдгорлиги саналадиган Кўтб минор мўъжизакорлиги билан сайёҳларни ўзига жалб қилади. Минора Хожа Кутбиддин Бахтиёр шарофига Султон Кутбиддин Ойбқ томонидан қурдирилган. Шундан сўнг Хиндистоннинг мустақиллик байрами нишонланадиган Лаъл қалъа (Редфорт) майдонини зиёрат қилдик. 1947 йил 15 август куни Хиндистоннинг

сайёҳларни ўзига жалб қилишда етакчи иморатлардан бири экан. Эътиборлиси, Дехлида Шох Жаҳон, Акбаршоҳ, Аврангзеб номи кўчалар ҳам мавжуд. Сўнгги йилларда пойтахтда Хиндистон ҳукумати томонидан зиёратгоҳлар қурилиши кенг тус олган. 2005 йилда қурилиши битказилган Акбаршарма мажмуаси ҳам бугунги кунда шаҳарнинг сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган ҳудудига айланган.

Шу куни тушдан кейин дунёнинг етти мўъжизаси сифатида тилга олинмаган Тож Махални кўрган бордик. Аградаги Тож Махалга борадиган кўча номи Шох Жаҳон деб аталаркан. Усти оқ мрамор билан қопланган хашаматли севи мақбараси Шох Жаҳон томонидан суқкли ёри Мумтоз Махал хотирасига қурилган. Дунёнинг турли буржларидан келган минглаб сайёҳлар мўъжизавий Севи Тоҳини ҳайрат билан томоша қилишарди. Унинг сеҳри нимадалигини

дистон бошқарилган. Қалъага кирверишда катта тошга ўйилиб Бобур ва унинг авлодлари номи ёзиб қўйилган. Қалъа икки қаватли бўлиб катта-катта ховлилардан иборат. Қалъани иккинчи қаватидан Тож Махал кафтдек аниқ ва равшан кўриниб турибди.

Қалъадан чиқиб кетар эканмиз, Мукеш Вижай менинг Ўзбекистондан эканлигимни билгач ҳайрат билан қарадида Фаргона, Андижон, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига борганимсан, деб қизиқиб сўради. У шунингдек, Фаргона бобурийлар даврида пойтахт бўлган-ку деди. Хинд дўстларига қараб бу Ўзбекистондан экан, Бобур юртидан экан, деб ҳайратланиб гапирди.

Биз сайёҳлар шаҳри бўлган Аграги тарқ этиб Хиндистоннинг шимоли-ғарбидagi Рожастон штатининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази бўлган Жайпур шаҳрига бордик. У ерда ҳам Бобурийлар даврида қурилган макбаралар, қалъалар мавжуд. Мени ўзига қургани тоғнинг тепасига қурилган, салобатли Амир қалъа бўлди. Катта майдонни эгаллаган қалъа тепасига чиқганимизда у ердан бутун бошли шаҳар кафтдек кўриниб турарди. Об-ҳаво ҳам мўътадил, зиёратчилар сонни кўп. Шаҳарда катта-конт бир кўл бўлиб, унинг ўртасида бир иморат кўзга ташланиб туради. Акбаршоҳ давридан қолган бу "Жаъл махал" (Кўлдаги сарой) номи тарихий гўша сайёҳларни безътибор қолдирмайди. У ерга фақат қайиқда борилади.


Дарҳақиқат, бобурийлар томонидан Хиндистонда бунёд бўлган, неча асрлардан бери инсониятни қурилиш архитектуралари билан лол қолдириб келаётган макбаралар чиндан ҳам хинд халқининг миллий бойлигига айланган. Уларнинг илдиизи эса бизнинг юртва Ўзбекистонга бориб такалади. Хиндлар бунди яхши билишарди. Шундан бўлса керак, Ўзбекистондан борган ҳар бир фуқарога улар Бобурийлар юртидан келибди, дея ўзгача ҳурмат билан қарашарди.

Дехлида хорихий элчиноналар бир мавзедга жойлашган. Аммо Ўзбекистон элчинонаси хорих элчиноналаридан фарқи ўларок, хашаматлилиги ва кўркемчилиги билан ахрибли турибди. Элчинона вакили Садриддин Суяровнинг айтишича, Хиндистондаги элчинона Ўзбекистоннинг хорихдаги энг кўркем элчиноналаридан бири экан.

Рустам ХАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"

## Захириддин Мухаммад Бобур таваллуди олдидан Хиндистонда сайёҳликнинг ривожланишида Бобурийларнинг ўрни

Хиндистон гаройиб дийр! Ўзининг бетакрор табиати, қадимий тарихи, макбара-ю зиёратгоҳлари билан неча-неча асрларки дунё олимларини, сайёҳларини ром этиб келаётган юрт. Турли миллат ва элат вакиллари, дин ва масъабларни, миллиарддан ортиқ аҳолини бағрига сиғдира олган ўлка.



таништириб ўтдик. Эътиборлиси, талабаларнинг аксарияти Ўзбекистондаги тарихий шаҳарларни, буюк саркарда ва уламоларни билишаркан.

Биз талабалар билан Дехли шаҳри бўйлаб сайёҳатга чиқдик. Аввало Хиндистон сийёсий арбобларининг жасадлари кўйдирилган мукдас жойларни зиёрат қилдик. Махатма Ганди кўчасидаги узун ва кенг бог-хий-бон Махатма Ганди, Лаъл Бахадир Шастри, Индира Ганди, Ражив Гандилар руҳи кўкка парвоз қилган жой. Баланд-паст ям-яшил майсазорлар, хотира сифатида қўйилган ёдгорлик тошлари. Сўнг Махатма Ганди музейи ва Хиндистоннинг рамзий дарвозасига бордик, махаллий аҳоли уни "India Gate" дейишаркан. Навбат "Пурана қалъа" яъни "Эски қалъа" ни кўришга келдик. Икки қаватли куббадор бу бино Бобур Мирзонинг ўгли Хумоюн даврида қурилган. Нафақат Дехлида, балки

озодлик байроғи дастлаб ана шу маҳабатли қалъа пештоқига тиқилган эди. Хиндистоннинг кўрки ва фахри бўлиб турган бу аҳойиб иншоот Бобурийлар зурриёди Шох Жаҳон томонидан бунёд этилган санъат, мезморчилик обидаларидан биридир. Мазкур қалъа 1639 йил қурилиши бошланган ва тўққиз йил мобайнида қуриб битказилган.

Хиндистонда Бобурийлар ҳукмдорлиги 1526 йилдан 1857 йилгача давом этган. Бобурдан бошланиб бу авлод бобурийшоҳларнинг сўнгги шох Бахадиршоҳ II-Зафар билан интиҳо топан. Унинг ҳукмдорлиги инглизлар томонидан ағдарилган. Дехлидаги бобурийлар авлоди томонидан қурилган тарихий гўшалардан яна бири Жума масжиди. Акбаршоҳ асос солган, аммо уч йил ўтиб у халок бўлади. Унинг ўғли Салим яъни Жаҳонгир Шох қурилиши давом эттириб 1613 йилда ниҳоясига етказди.

Агра шаҳрига ўн беш километрга масофа қолганда, Акбаршоҳ мақбарасини зиёрат қилдик. Хашаматли, Ислом дини андозаларида барпо бўлган макбара Самарқанддаги қадимий иншоотларни эслатади. Унинг қурилишига 1602 йил Акбаршоҳ асос солган, аммо уч йил ўтиб у халок бўлади. Унинг ўғли Салим яъни Жаҳонгир Шох қурилиши давом эттириб 1613 йилда ниҳоясига етказди.

хеч ким билмасида, инсон зоти борки уни кўргиси, зиёрат қилгиси келади. Биз билан ҳамроҳликда юрган йўлбошловчи Мукеш Вижай Тож Махал ҳақида гапирар экан, у Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил тўхтади. Тож Махални унинг авлодларидан бўлган Шох Жаҳон қурдирганини таъкидлар экан, кўнглимизда Ватанимизга, аجدод-авлодларимизга бўлган ҳурмат, гурур янада ошди. Зеро, ўша ерда олтишга яқин давлатнинг юздан ортиқ талабалари Мукеш Вижайни диққат билан эшитаятган эди.

Саёҳатнинг эртаси куни биз Аградаги "Аграфорт" қалъасига бордик. Унинг қурилишига ҳам Акбаршоҳ асос солган экан. Қалъанинг айланаси икки километри тақриб эди. Ўз даврида ниҳоятда маҳабатли, мустаҳкам қўрган бўлганлиги баланд ва қалин гишт деворларидан қуриниб турибди. У ердан бутун бошли Хинд-

## ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР ФОРУМИ

ПОЙТАХТДАГИ 144-ЎРТА МАКТАБДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАШАБУСИ БИЛАН ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Таълим тизимининг самарадорлигини оширишда замонавий технологиялар билан бирга ўқитувчиларнинг билим ва малакаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ешлик айти ўқиб-ўрганадиган, изланиш палласи. Шу боис мамлакатимизда мактаб ўқувчиларининг чуқур билим эгаллашлари ва қамол топишларига етарлича эътибор қаратилмоқда. Бугун республиканинг ҳар бир ўқув маскани энг илгор техника ва технологиялар билан жиҳозланган. Бу эса таълим-тарбия жараёнида ниҳоятда муҳим. Бундай қўлайликлар ҳар бир педагог ходимга алоҳида маънулийят юклайди.

144-ўрта мактабда ўтказилган "Ижодкор ўқитувчилар форуми"да ҳам дарс жараёнида илгор технологиядан унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг фанларни чуқурроқ ўзлаштириши ва дунёқарашининг янада кенгайишига нималарга эътибор қаратиш лозимлиги масалалари атрофича муҳокама қилинди. Шунингдек инглиз, ўзбек, рус тили сингари гуманитар фанлар ўқитилишида замонавий технологиядан кўпроқ фойдаланиш мақсадда мувофиқлиги ва у юқори самара бериши таъкидланди.

"Туркистон-пресс"

## Танловлар

### СИЗ ТАРИХНИ БИЛАСИЗМИ?

Кейинги йилларда ёш авлоднинг ҳуқуқий САВОДХОН, ТИББИЙ МАДАНИЯТИ ЮКСАК ВА БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ ЙЎЛИДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН КАТТА САЎБ- ҲАРАКАТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Куни кеча Мирзо Улўғбек туманидаги 35- умумтаълим мактабда тумандаги 10 та касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган «Сиз тарихни биласизми?» деб номланган танлов ҳам айнан ёшларнинг билим-савиясини оширишга қаратилган билан эътиборга моликдир.

Ҳаётда қизиқарли ва таассуротларга бой тарзда ўтган ушбу танловда бой маданий меросимиз, улўғ аллома ва буюк боболаримиз, ўтмиш тарихимиз ҳақида тўлиқ маълумот беришга, бор билим ва маҳоратларини кўрсатишга интилган ўқувчи-ёшлар гоилиблик поғонасини забт этдилар.

Шундай қилиб биринчи ўрин 3-академик лицей, иккинчи ўрин Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи, учинчи ўрин информатика касб-хунар коллежи жамоасига насиб этди.

Қизиқарли савол-жавоблар билан ўтган ушбу танлов барчада яхши таассурот қолдирди.

«Сиз тарихни биласизми?» танлови Ҳамза туманидаги касб-хунар коллежлари ўқувчи ёшлари ўртасида ҳам бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда тумандаги Ҳамза қурилиш касб-хунар, Тошкент авиасозлик касб-хунар, Тошкент иттиҳослаштирилган хотин-қизлар ва Ҳамза темир йўл касб-хунар коллежлари жамоалари ўзаро белла-

шишди. Қизгин савол-жавоблар ва чиройли саҳна кўринишлари билан ўтган ушбу танловда Тошкент иттиҳослаштирилган хотин-қизлар коллежининг Нодирабеғим жамоаси гоилиблик шохуспасини забт этди.

— Ушбу танловга жуда катта тайёргарлик кўрган эдик, — дейди биз билан сўхбатда жамоа сардори Зарифа Бурисбоева. — Ҳалаба қозониш осон бўлмади. Мусобақада қатнашган барча ўқувчилар имкон борича ўз билим ва маҳоратларини кўрсатдилар. Бу албатта ёшларнинг билим ва кўникамлари тобора ортиб бораётганини, истеъдоқ ва иқтидорларининг юзага чиқаятганидан деб ўйлайман.

Ёшларнинг интилиши ва ўзаро қизгин мулоқотлари билан ўтган ушбу тадбир қатнашчилар ва меҳмонлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

(Ўз мухбиримиз)

ДУНЁДА ҲАР ИНСОННИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚИ, ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ БЎЛИБ УНГА ДАХЛ ҚИЛИШГА, ТАЖОВУЗ ҚИЛИБ ТОПТАШГА ҲЕЧ КИМНИНГ ҲАҚКИ ЙЎҚ ВА БУНГА ҲЕЧ КИМГА ҲУҚУҚ ҲАМ БЕРИЛМАГАН. МУСТАҚИЛ ДАВЛАТИМИЗДА БАРЧА СОҲАЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ТУБ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ҲАМ ИНСОН ШАЪНИ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИГА ҚАРАТИЛГАН.

## Анжуманлар

### ИНСОН ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ДАХЛСИЗ

Куни кеча Собир Раҳимов туман ҳоҳимлигида бўлиб ўтган тадбир ҳам бугунги кунда бутун дунё ахлини ташвишга солаётган терроризм, гиёвандлик ва одам савдосига қарши курашга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир. Тумандаги эллик саккизта маҳалла фаоллари, фуқаролар йиғини раислари, хотин-қизлар комиссияси раислари, диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, қорхона ва ташкилотлар ходимлари иштирок этган ушбу анжуманда сўз олган туман ҳокими Б.Хакимов, Республика Маънавият-тарғибот маркази ходими А. Амриев, туман ички ишлар бошқармаси бошлиғи А. Маматов, туман прокурорининг биринчи ўринбосари М.Шодмонов ва бошқалар республикада давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислохотлар, хусусан бугунги кунда глобал муаммога айланган улғурган одам савдосига қарши кураш бўйича амалга оширилаётган бир қатор самарали ишлар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтдилар.

— Маҳалланг ота-онанг деб бежизга айтилмаган, — деди жумладан Республика Маънавият-тарғибот маркази ходими Али Амриев. — Шундай экан маҳаллада ўзаро ҳамкорлиқни яхши йўлга

қўйиш зарур. Бир-бирлари билан яхши мулоқотда бўлган инсонлар ҳаммиса ён-атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўладилар. Ким қаёққа боряпти, нима иш билан шуғулланыпти, оиласида, ўқишида, иш жойида нима гап, шундан хулоса чиқариб иш олиб борадилар. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва Республика Президенти Ислом Каримовнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қорорининг ижроси бўйича ўтказилган тадбирда таъкидлаб ўтилганидек одам савдосига қарши курашиш фақат ички ишлар ходимларининг иши бўлмай, бу долзарб вазифага ҳар бир соҳа ходими ўз хиссасини қўшиши керак. Айниқса маҳалларда аҳоли билан яқин ҳамкорлик ўрнатилиши, жамоатчиликни бу ишга жалб этиб, ҳаммиса сезгир ва хушёр бўлиб бундай иллатларнинг олди олиниши лозим. Токи эндигина ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз нотўғри йўлга қадам қўйма-син, уларга яратилган барча қўлайлик ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб эртасизга муносиб бўлиб вояга етсинлар.

Шаҳризода МУҲАМЕДОВА

## ИККИ СИЙМО, ИККИ ДУНЁ

ФЕВРАЛЬ ОЙИДА ИККИ БУЮК ЗОТ — ҲАЗРАТ МИР АЛИШЕР НАВОЙИ ВА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИ МАМЛАКАТИМИЗ МИҚЁСИДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ. ҲАР ДОИМГИДЕК БУ ЙИЛ ҲАМ, БУ ИККИ УЛУҒ ЗОТНИНГ ТАВАЛЛУД КУНЛАРИ ШАҲРИМИЗДАГИ БАРЧА ГЎШАЛАРДА ТАНТАНАЛИ РАВИШДА НИШОНЛАНМОҚДА

Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиiddинов номи академик лицейидаги тадбир ҳам байрамона кайфиятда бўлиб ўтди. Кечада лицей ўқувчилари Захириддин Мухаммад Бобурнинг

Ким қурбатур, эй кўнгул аҳли жаҳондин яхшилар, Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилар, ёки:

Чархнинг мен қўрмаган жабру жафоси қолдим, Хаста кўнгулум чекмаган дарду балоси қолдим, каби мумтоз ғазалларни чиройли талаффузда ўқиб тадбирнинг янада мазмунли ва қизиқарли ўтишини таъминлаб бердилар.

Шунингдек, ўқувчилар саҳналаштирган Бобур ва Хумоюн монолоғидаги саҳна кўринишлари жонли ва таъсирчанлиги билан байрам иштирокчиларининг олқишларига сабаб бўлди.

## ҒАЗАЛЛАРДА ҲАЁТ НАФАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АСОСИЙ КУТУБХОНАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИР АНА ШУНДАЙ НОМЛАНДИ.

— Бу икки мўътабар зотнинг ёзган ноёб ғазаллари, достонлари ва асарлари, неча асрларки дунё халқларининг юксак меҳру муҳаббатига сазовор бўлиб, кўнгилларни шамшироқ мисол ёритиб келмоқда, — дейди ЎзФА асосий кутубхонаси директори Шарофиддин Нуриддинов кечани кириш сўзи билан очар экан. — Бугунги байрам тадбири эса мисоли бир тантана, бунда ғазаллар ғазалларга уланади, сиймолардаги суваратлар сийратларга кўчади. Улуғ мутафаккирлар руҳи бошимиз узра парвона бўлиб мисраларга, сатрларга янада мазмун ва оҳанг бағишлашга ёрдам беради. Бу икки улўғ сиймонинг турган кунни нафақат бизнинг мамлакатимизда балки дунё миқёсида кенг нишонланмоқда. Кутубхонамиз жамоаси саъй-ҳаракатлари билан алломалар таваллуд кунига бағишлаб "Ғазаллар мулкида, кўнгиллар сўзлар" номи кўргазма ҳам ташкил қилдик. Ватани ҳақрини буюк муҳаббат, чексиз соғин билан, инсонийликни эса энг гўзал эзгу ҳис-туйғулар билан қуйлаган Бобур, муҳаббатни фақат садоқат деб, ҳалоллик ва ростгўйликни муқаддас тумор деб билган, халқ фаровонлиги ва тинчлигини юрт бойлиги деб санаган Навоий ҳазратлари инсонлар дилида мангу яшай-веради.

Шунингдек, тадбир доирасида ЎзРФАнинг олимлари, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг профессор-ўқитувчилари ҳам сўзга чиқиб Алишер Навоий ва Захириддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Тадбир барча иштирокчиларга бирдай хушнудлик бахш этди.

## МАЪНАВИЯТНИНГ НУРЛИ МАНЗИЛЛАРИ

УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ МИЛЛИЙ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИР ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ.

Тадбирда коллеж ўқувчилари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари, дилбар рақслари билан иштирок этдилар. "Бобурнома" асари бўйича саҳна кўринишлари, ғазаллардан ўқилган парчалар байрамнинг янада мазмунли чиқишини таъминлади.

Тадбир муносабати билан ўқувчилар ўртасида ўтказилган "Ғазал ичра бир ғазал" деб номланган танлов ҳам жуда қизиқарли ўтди. Тадбир сўнггида коллеж раҳбарияти томонидан кечада фаол қатнашган ўқувчиларга совғалар тақдим этилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

## МАҲАЛЛАДА НАВОЙИ ХОНЛИК

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ АЛИШЕР НАВОЙИ ТАДБИР ШЕЪРИЯТ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 568 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ.

Тадбирда қатнашган Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, туман Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси Абдумавлон Раҳимов, Мунаввар қори номидаги жомеъ масжиди имом хатиби Собиржон Рустамов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Темур Саъдуллаев, Нуриддин Аминжонов улўғ бобомиз асарларида ўз аксини тогган халқчилик, меҳр-муҳаббат, одамийлик, хайр-саховат каби умрбоқий ғоялар асрлар оша инсониятни ўзаро ҳамжихатликка даъват этиб келаётганини таъкидладилар. Алишер Навоий асарларининг ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда, ўзаро ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлашдаги беқиёс аҳамияти хусусида сўзладилар.

Мактаб ўқувчилари "Ғазал мулкининг султони" мавзусида адабий дастур намойиш этишди, шоирнинг ғазал ва рубоийларини ёддан ўқиб беришди. Ҳушовоз хонанда, бир қатор кўрик-танловлар гоилиби Тоиржон Латипов бошчилигидаги санъаткорлар намойиш этган концерт дастури ҳам Алишер Навоий ғазалларига басталанган ашулалардан иборат бўлди.

Бахтиёр МАНСУРОВ



**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ**

**ХИКМАТЛАР**

Товусдек товланар ҳар дам ёзиб пар, Шу янглиг халқни ул ёнига чорлар.

Бу гардун боқки кимларни кўтармас Ва кимларни кулатмас, ерга урмас.

Фалак ҳар лаҳза ҳайрат келтурур, бас, Ва ҳар соат фалоқат келтирур, бас.

Жаҳона, ўйнагайсен бўйла тоқай? Ва бизни қийнагайсен бўйла тоқай?

Кўнгил, тарки жаҳон қил, не жаҳоннинг? Жаҳон бирлан эрур ҳар дам зиёнинг.

Сенга зулму зиёнлар этди айём, Не истарсен яна, эй марди ноком?

Фалак саргаштадир сендан-да бисёр, Нечук бўлгай сенга ёру мададкор?

Югургай бетиним, оташда доим, Мудом чир айланур, саргашта доим.

Ўзидин ортмағай, ташвишда ҳоли, Сени сийлашга етгайму мажолли?

Камондин узма бундок бесабр ўк, Чикиб ўздин, ўзингга қайтадир ўк...

Эгилса, синса гар бошингда бир тук, Тушар оғриқ бўлиб жонингга минг юк.

Кесилса битта бармоғинг баногоҳ, Алам бирлан чекарсан оташин оҳ.

Чумоли ўзига жой топса, шаксиз, Ўзини подшодек айлағай хис.

Ўзидин ўзгани кўрмас арода, Ўзини бахтиёр билгай қарода.

Қадр бўлгайму гар қадрингни дерсанг, Дема қадрингни, қадринг истар эсанг.

Такабурлик этиб, ҳаддингдин ошиб, Юрарсен тўғри йўллардин адошиб.

Дема сокин эрур, осуда уммон, Тушар денгизга ҳам бир кун галаён...

Азизлар хокидир олам, аёндир, Азизлар барг эса, олам хазондир...

Эгил, тупроқдин ол қафтинга ҳисса, Сўра, сўйлаб берар не мунгли қисса.

Ҳисобсиз қайғудин бергай аломат Ва ҳар бир заррадин учгай надомат.

Магар юз йил яшарсен ёки ўн йил, Шу дамдан ўзга эрмас сенга ҳосил.

Яшаб юз йил, кезарсен шаҳр ила кўй, Даминг ул-хуш дамдингдир, ўзгасин кўй.

Туғилдинг онадин бўлмоққа тупроқ, Зарурми сенга шунча кўшқу чорбоғ?

Кишиким хона узра хона кургай, Ўзига кўп ширин афсона кургай.

Аё банда, белингни бойла маҳкам, Ки гамсиз бўлмағай фарзанди олам.

Магар илқингда бўлгай симу зар, ганж, Ичолмассен сувинг бир лаҳза беранж.

Ишингни ўз кўлинг-ла этсанг, илло, Ҳама ишдин ўша бўлгуси аъло...

Фанимат бир дамнинг тенгдир жаҳонга, Ололмассен беринг минг бир замонга.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

**Туманларда**

**ЁШЛАР САЛОМАТЛИКЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА**

ЧИЛОНЗОР ДАҲАСИ, 1- МАВЗЕДАГИ «ШАРҚ БЕНИТО» ФИРМАСИГА ҚАРАШЛИ СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАНИГА ҲАМ БУ ЙИЛ 15 ЙИЛ БЎЛДИ.

Ҳаммаси эса оддий бошланганди. Хусусий фирманинг раҳбари спортсевар ва сергайрат Николай Белисда 48-кўп қаватли турар жой биноси ертўласида спорт секциясини ташкил қилиш ғояси туғилди. Бу ерда тўла таъмирлаш, куриллиш ишлари амалга оширилиб тез фурсат ичида кенг ва ёруғ спорт мажмуаси юзга келади. Комплексага тажрибали йуричи-мураббийлар жалб этилди. Ва ниҳоят

бу ерда ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш ва саломатликларини мустаҳкамлашда ўзига хос омил вазифасини ўтовчи атлетизм, аэробика, шейпинг, шахмат, стол теннис секциялари очилди, турли тренажёрлар ўрнатилди. Ҳозир ушбу спорт мажмуасига узок-яқиндан кўлаб ёшлар келиб, ўз саломатликларини мустаҳкамламоқдалар,



таналарини чиниқтирмоқдалар. (Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: спорт мажмуасида машғулотлар пайти. Алексей Попов олган суратлар

**Мутахассис маслаҳати**

**АСР ВАБОСИДАН САҚЛАНИГ**

БУГУНГИ КУНДА БУТУН ДУНЁ АҲЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН ВА ХАВОТИРГА СОЛАЁТГАН МУАММО — БУ АСР ВАБОСИ ДЕБ АТАЛМИШ ОИТСДИР.

Маълумки, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турли хил юқумли касалликлар, жумладан ОИТСнинг олдини олиш ва унга қарши кураш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Зеро, ҳозирги кунда ушбу касалликни юқтирган кишилар сони ортиб бормоқда. Энг ачинарлиси, айрим ёшлар ОИТС ҳақида етарли тушунчага эга эмаслар. Ҳўш, ОИТС нима ўзи, унинг олдини олиш, ундан сақланиш учун нималарга эътибор бериш керак? деган саволнинг туғилиши табиий.

Авалло ОИВ — бу одамнинг иммунитет танқислиги вирус, яъни иммун тизимини зарарлайди ва организм инфекцияга ва турли хил ўсмадаларга қарши курашиш хусусиятини йўқотди. ОИТС — бу орттирилган иммунитет танқислиги синдроми, ОИВ инфекциясининг охири босқичи. ОИВ инфекцияси босқичида организмда вирус бор, лекин касалликнинг ташқи белгилари намоён бўлмаганлиги билан ОИТС дан фарқланади. ОИТС босқичи-

да эса организм ҳар қандай инфекцияга қарши курашиш хусусиятини йўқотган, бемор эса ҳар хил инфекцияларга чалинган бўлади. ОИТВ (ВИЧ) одам организмга тушиб, уни касал қилиши мумкин бўлган вирусдир. У инсон организмга тушган заҳоти уни емиришни бошлайди. Охир-оқибатда ОИТС (СПИД)га олиб келади, гарчанд бунга кўп, баъзан 10 йилгача вақт керак бўлса ҳам, киши ОИТС билан касаллини қолса, унинг организмни ўзини инфекциялардан ҳимоя қила олмайди, оқибатда у кўп қабатли касалликларга мойил бўлиб қолади ва ниҳоят бу касалликлар ўлимга олиб келади. Маълумки, ОИТВ-ОИТС даволаб бўлмайдиган касалликдир.

ВИЧ билан зарарланган беморда касаллик белгилари дарҳол намоён бўлмайди, лекин касаллик кўзгатувчи вирус беморнинг қонида ва бошқа биологик суюқликларидан аниқланади. Ташқи кўринишдан беморда касаллик аломатлари кузати-

**Футбол**

**ИМКОНИАТ ПАСАЙДИ, БИРОҚ...**

**КЕЧА «ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИГА ЙИГИЛГАН МИНГЛАБ МУҲЛИСЛАР ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН — БАҲРАЙН ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИ IV БОСҚИЧИ ГУРУҲ БАҲСИГА ГУВОҲ БЎЛИШДИ.**

Ушбу беллашувда терма жамоамиз бош мураббийси Миржалол Қосимов Нестеров, Ғофуров, Исмоилов, Тўхтаўжаев, Жўраев, Аҳмедов, Ҳасанов (Денисов), Копадзе (Шақчих), Жепаров, Магдиев, Тожиев (Солиев)лардан иборат футболчиларни майдонга туширди.

Шуни таъкидлаш жоизки, терма жамоамизга кўпроқ умидли ёшлар жалб этилаётганини қувонарли ҳол. Дарҳақиқат, вакилларимиз учрашувни ҳужумкор руҳда бошлади, рақиб дарвозаси олдида кўлаб хавфли вазиятлар содир этилди. Аммо, шу кун рақиб дарвозасига гол киритиш футболчиларимизга насиб этмади. Ачинарлиси, Фарход Тожиев ва Максими Шақчихлар 2-бўлимда дەرли юз фоизлик имкониятларни чиппака чиқаришди.

Иккинчи бўлим дەرли тенг курашлар остида ўтди. Ҳатто бир неча бор мезбонлар дарвозасига ҳам ҳужумлар уюштирилди. Учрашув якунланишига 2 дақиқа қолганида мезбонлардан Маҳмуд Абдурахмон узок масофадан Нестеров дарвозасини аниқ нишонга ола билди ва ўз терма жамоасига муҳим уч очкони тақдим этди. Ўзбекистонликлар ушбу ўйинда мағлубиятга учраган бўлсаларда, гуруҳда учинчи ўрин учун курашиш ҳуқуқини сақлаб қолишди, фақат бунинг учун 28 мартда Тошкентда Қатар терма жамоасини мағлуб этиш шарт.

**Кикбоксинг**

**АЛИШЕР — ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ**

**«ЖАР» СПОРТ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИДА КИКБОКСИНГ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 500 нафар спортчи турли вазн тоифаларида голиблик учун кураш олиб борди. Мусобақанинг хал қилувчи баҳси Оснб чемпиони, жаҳон чемпиони голиби Алишер Абдуллаев ва Одил Ёкубовлар ўртасида кечди. Қизилқарни ва мурасасиз ўтган баҳсда омад жаҳон чемпионига қулиб боқди.

Чемпионат якунида голиб ва совридорларга совринлар, эсдалик совгалари тўхфа этилди.

(Ўз мухбиримиз)

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.

Факс: (3712) 233-21-56.

Манзилимиз:

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

«Ўзбекистон ветеринария мутахассислари ассоциациясига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган Нодавлат нотихорат ташкилотининг давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги 2003 йил 23 мартдаги 537-сонли гувоҳнома-си йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Урта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси жамоаси бошқарманинг бош мутахассиси Лимона Ниёзнова Аҳмедовага падари бузуқворуни НИЁЗ отанинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига қўқур таъзия изҳор этади.

**«Тошкент оқшоми» саломатлик хизмати**

**МИЯМИЗНИ ОЗИҚЛАНТИРИБ ТУРИШ КЕРАК**

Инсон мияси танамизнинг ҳақиқатан энг ноёб ва беназир аъзоси ҳисобланади. У тиним билмай ишлайди, бутун организмни доимий бошқариб туради. Мия олам-олам ахборотларни қабул қилади, қайта ишлайди, саралаб танлайди. Аммо, ажабланирлиси шундаки, тишларимизни мустаҳкамлаймиз, сочларимизни озиқлантириб тураемиз, теримизни парваришлаймиз, энг муҳим аъзо — миёга эътибор ҳам қилмаймиз, унга ёрдам беришни ўйламаймиз.

Лекин бу ҳақда доимий ўйлаш, қайғуриш керак, дейди тиббиёт фанлари доктори Ф. Саидов. Бу узок ва соғлом ҳаёт кечиретишнинг муҳим кафолатларидан биридир.

Миёнгизга қандай ёрдам бериш, уни парваришлаш, қувватлантириб туриш ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Ҳар қалай, қуйида келтирилган сиз учун фойдалани ва гоая зарур маълумотлар умрбоқийлик ва соғлом ҳаёт тарзига риоя этишингизда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деган умиддамиз. Аввало, кофеин ва қанд-шакар мия фаолиятини рағбатлантирувчи ва тетиклантирувчи моддалар ҳисобланганини таъкидлашни истардик.

Кофеин диққатни тез жамлаш қобилиятини оширади, уни тетиклантиради, бироқ унинг таъсир этиш муддати қисқа. Шу билан бирга, уни суиистеъмол қилиш ҳам мумкин эмас — чунки бу асабийлашув, безовталаниш, уйқусизлик каби қусурларни келтириб чиқариши мумкин. Кофеин моддаси кофе, шоколад, баъзи бир тетиклантирувчи ичимликлар, хатто чай таркибидан ҳам бўлади.

Қанд лавлаги ва углеводлардан олинган қанд-шакар — яъни глюкоза кўпгина махсулотлар таркибидан бўлади. Қанд-шакар муайян бир муддатга хотирани яхши-

лай олади, ақлий жараёнларни тезлаштириши, фикрни тиниклаштириши мумкин. Аммо... глюкозанинг танада керагидан ортқ тўпланиши бутунлай қарама-қарши таъсир этади — мия функциялари ва бутун организмнинг заифлашишига олиб боради. Бинобарин, қанд моддасининг меъёрига қаттиқ риоя этишингиз кераклигини унутманг — шу йўл билан сиз қоматингизни алифдек асраб, миёга ҳам ёрдам берасиз.

Балиқларнинг мойли наслларида кўп миқдорда бўладиган ёш кислоталари ҳам суюқларга кальций қанчалик зарур бўлса — шу даражада миёга керак. Боз устига бу моддалар организмга доимий равишда, айниқса болалик йилларида — нерв толачалари орқали турли сигналлар ўтишини тезлаштирувчи нерв тугалланмалари атрофидаги ёғ қатламларининг шаклланиш жараёнлари кетаётган пайтда жуда зарур бўлади.

Темир моддаси билиш қобилиятини оширади, ахборотларни қабул қилиш доирасини кенгайтиради. Бу моддани қабул қилиш унчалик мураккаб ҳам эмас. Темир моддаси гречка, мол гўшти, денгиз моллюскаси —стрицаларда, шунингдек, пўсти билан қайнатилган картошкада анча миқдорда бўлади.

Миёга қувват бўладиган моддалар рўйхатида цинк ҳам бор. У айниқса ёш болаларга жуда зарур (оналар шуни доим назарда тутишлари керак) — зеро, у мияни ўстиришга хизмат қилади. Мабодо, катта ёшдаги кишилар организмда цинк моддаси етишмасе, у депрессия, асабий ҳолат, хатто анорексия хасталигига дучор бўлиши мумкин. Танада цинк моддаси захирасини гўшт, тухум, пишлоқ ва ёнғоқлар ёрдамида тўлдириб боришингиз мумкин.

Кимёвий моддалардан селен (бу модда моллюскалар, гречиха

ва бошқа дон ёрмалари, денгиз ўсимликлари таркибидан кўп бўлади) қайфият беқарорлигининг олдини олади, уни нормада ушлаб туради.

Миёга қувват бўладиган моддалардан яна бири — фолий кислотаси инсон хотирасини яхшилашга хизмат қилади, ахборотларни саралаш, керагидан ундан тез фойдалана олиш қобилиятини оширади. Уни крупа(ёрма)ларда, келак ва ундирилган бугдой нишларида учратиш мумкин.

С ва Е витаминлари ҳам мия фаолигини оширади, хотирани мустаҳкамлашга ихобий таъсир кўрсатади. С дармондоприси цитрус мевалари, олма, қора смородинада кўп бўлса, Е витамини pista, ёнғоқ, тухум ва қарамада етарли даражада топилади.

Шунингдек, мия ишини яхшилаш ҳамда мияни емириб, ақли заифлиққа олиб боровчи эркин радикалларга қарши курашда ликопен моддасининг ҳам аҳамияти катта. Бу модда — табиатда табиий равишда мавжуд бўладиган элементлар каторига кирди. Бу модда энг кўп миқдорда помидорда бўлади.

Маврак (шалфей) ва черника мойи ҳам хотирани мустаҳкамлайди. В гуруҳига кирувчи витаминлар эса, мия фаолиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Юқорида санаб ўтилган махсулотларни, бундай қараганда, ҳаммамиз биламиз ва истеъмол ҳам қиламиз. Фақат шу жараёнга бир оз диққатни жалб этиб, назоратимизда сақлаб, онгли равишда тартибли иш тутсак, ўз миёмамиз ишини яхшилаш ва уни ҳеч қандай тиббий дори-дармонларсиз озиқлантириб, қувватлантириб туришга эришимиз мумкин. Бинобарин, ўзингизга эътиборли бўлиш ва доимо навқирон ва соғлом яшашга интилишингизда собитқадамлик ва эътиборлилик тилаймиз.

Бош муҳаррир  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-106

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
4512 нусxada босилади.  
Қоғоз бивчиси А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида тарқилиб ва сакрифтланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

12 6